

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА
МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

19-ЙИЛ
ЧИКИШИ

№ 180 (4639)

12
СЕНТЯБРЬ

СЕШАНБА

1972 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.



ЮЛДУЗ ШАХАРЛАР

СОЦИАЛИСТИК ЧИРЧИҚ

Яна бир неча ойдан сўнг СССР ташкил топганининг ярим асрлик юбилейи тантанали суратда нишонланади. Совет ҳокимияти йилларида бутун мамлакатимиз қатори областимизнинг экономикаси ва маданияти мисли қўрилмаган суръатлар билан тараққий этди. Унинг бағрида йирик янги-янги шаҳарлар, посёлкалар пайдо бўлди. Социалистик Чирчиқ ана шу йиллар

мобайнида областимизда барпо этилган шаҳарларнинг тўнғичи ҳисобланади. Унинг пойдеворида биринчи гишт қўйилганидан буён салкам 40 йил вақт ўтди. Шу қисқа муддатда шаҳар йирик индустриал марказга айланди. Газетамизнинг иккинчи саҳифасида Чирчиқнинг бунёд этилиши, юксалиш йўли ва порлоқ истиқболи ҳақида ҳикоя қилинади.

ТЕРИМДА МУСОБАҚАНИ КУЧАЙТИРАМИЗ

Колхозчиларимизнинг шу кунги бутун диққат ва эътибори КПСС XXIV съезди қарорларини бажаришга қаратилган. Ҳар бир деҳқон ва механизатор ишлаб чиқаришда фаол қатнашиб, кўпроқ маҳсулот топиришга ҳаракат қилмоқда.

Ўтган йилда эришган ютуқларимиздан яна бири шуки, биз теримда техникадан кўпроқ фойдаландик. Машиналарнинг иш умумдорлигини оширишга эришдик. Шу сабабдан йиғим-терим ишлари тез ва сарфсиз бўлди.

Беш йилликнинг иккинчи йили планнинг ҳам ошириб бериш юзасидан колхоз правлениеси ва партия ташкилотини барча йиғим-терим ишлари ҳисоблаб чиқди. Ҳар гектар ердан 35 центнердан ёки ўтган йилга нисбатан гектар бошига беш центнердан кўп пахта топириш мажбуриятини олди. Ҳамма куч ва техника йиғим-теримни тезлаштиришга сафарбар этилмоқда. Ўтган йилдагидек бу йил ҳам ҳосилнинг асосий қисmini техника ёрдами билан териб оламиз.

Шунга яраша барча тайёргарлик ишлари қўриб қўйилди. Машина билан пахтаги терилган майдонлардаги беғона ўтлар тозаланди. Агрегатлар бурлиб қайтадан жойлар, шунингдек ўқ ариқлар текширилди.

Вагис Илёсов, бошлқ 3-бригада аъзолари бўлган машина-бон қилиб ўтиришди. 85 гектар майдоннинг ҳаммасини теп-текис, «зангори кема»ларнинг ишлаши учун қўлай бўлди. Бригада аъзолари қўл кучи ишлатмасдан фақат машиналар ёрдами билан ҳосилнинг ҳаммасини йиғиштириб олишга сўз берилган. Ҳар гектар ердан қирқ центнердан пахта топириш учун курашаётган бригада деҳқонлари планни 18—20 иш кунда бажаришга аҳд улашмоқда. Баҳром Умаров бошлқ бригада деҳқонлари ҳам ҳосилнинг ҳаммасини агрегатлар ёрдамида териб олиш қараридилар. Тўғли Иброҳимов, Турғун Расулов бошлқ бригада аъзолари ҳосилнинг 80—90 процентини машиналар ёрдами билан териб олишди. Ишчан ва таърибали механизаторларимиздан Вагис Илёсов, Эргаш Раимкулов, Асрор Соқиров, Абдураҳмон Бўриев ўтган йил


машина теримда яхши ишлаган эдилар, бу йил ҳам ўз зиммаларига оширилган мажбурият олишди: «зангори кема»лар бункеридан 100—120 тоннадан «оқ олтин» тўқамиз, дейилмоқда.

Ҳар беш кунликда нормани ошириб бажариб, биринчи ўринни эгаллаган механик-ҳайдовчи 25 сўм, иккинчи ўринни эгаллаганга 15 сўмдан мукофот ажратилди. Бундан ташқари, биринчи ва иккинчи теримда фаол қатнашган механик-зорларнинг ҳар бири тонна топириган пахтага 10 сўмдан (ўтган йили 7 сўмдан эди) пул берилади. Беш кун ичида 20 тонна пахта топириган механик-зор бемалол 40 сўм мукофот ҳақи ишлаши мумкин. Биз биринчи ўринни эгаллаган механик-зорга 25 сўм миқдорда пул мукофоти беришни ҳам йўлга қўйдик.

Колхоз правлениеси ва партия ташкилотини пахтани тез ва тоза териш, уни тайёрлов пунктларига топириш ишларини уюшқонлик билан ташкил қилишга ҳаракат қилмоқда. Механик-ҳайдовчиларнинг техникадан унумли фойдаланишлари учун етарли шароитлар мавжуд. Қўйма устахоналар ташкил этилди. Ўлар «зангори кема» тўла қувват билан ишлаши учун механик-ҳайдовчиларга яқиндан ёрдам берадилар.

Колхоз партия ташкилотини яқинда пахтанор республикалар партия, совет, ҳўжаик раҳбар ходимлари ва қишлоқ ҳўжалиги мутахассисларининг КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев иштирок этган актив йиғилиши материалларини ва унда қабул қилинган резолюцияни кенг колхозчилар оmmasига етказиб, уларнинг куч ва эътиборларини 1972 йил ҳўжалик йилини муваффақиятли якунлашга сафарбар қилмоқда.

Ҳамдам НАБИЕВ, Янгийўл районидagi Кари Маркс номида колхоз партия ташкилотининг секретари.



Чирчиқ шаҳрининг Ленин номида майдони.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотолари.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЕРЛАШ ВА ДЕФОЛИАЦИЯНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 11 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи стун — районлар, иккинчи стун — бир кунда топирилган пахта, учинчи стун — мавсум бошидан бери, тўртинчи стун — бир кунда қилинган дефолиация, бешинчи стун — мавсум бошидан бери.				
Бекобод	0,52	1,49	10,5	48,7
Пискент	0,42	1,45	14,5	67,9
Янгийўл	0,32	1,22	8,7	28,2
Бўёна	0,35	0,99	14,6	75,6
Ўрта Чирчиқ	1,09	0,10	11,6	67,2
Юқори Чирчиқ	0,06	0,06	12,2	55,8
Оққўрғон	—	—	17,3	70,8
Область бўйича	0,23	0,71	13,0	59,5

ОЛМАЛИҚ ШАҲАР ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

Олмалик шаҳар партия комитетининг бўлиб ўтган пленумида XVII шаҳар партия конференцияси қарорини бажаришнинг бориши ҳақидаги ҳисобот муҳокама қилинди.

Пленум, шунингдек, ташкилий масалани ҳам кўриб чиқди. Пленум Г. С. Чуршуконини шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари ва бюрос аъзоси вазифасидан озод қилди.

Шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари ва бюрос аъзоси қилиб Б. А. Агарков сайланди.

МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОЛМАЛИҚ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ

Мехнаткашлар депутатлари Олмалик шаҳар Советининг бўлиб ўтган сессиясида ташкилий масала кўрилди.

Сессия В. Д. Лисинини шаҳар Совети ижроия комитетининг иккинчи вазифасидан ва А. Я. Қоразонови шаҳар Совети ижроия комитетининг раисининг ўринбосарини вазифасидан озод қилди.

Мехнаткашлар депутатлари Олмалик шаҳар Совети ижроия комитетининг раисини қилиб депутат Ю. Т. Савченко сайланди.

Г. КИССИНЖЕР МОСКВАГА КЕЛДИ

АҚШ президентининг миллий хавфсизлик масалалари билан шуғулланувчи ёрдамчиси Генри Киссинжер 10 сентябрда Москвага келди. АҚШ савдо министрининг ўринбосари Джеймс Линн ва Оқ Уй аппаратининг бир қанча мастул ходимлари у билан бирга келишди.

(ТАСС).

„ВЕНЕРА-8“ КОСМИК САФАР ЯКУНЛАРИ

СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллиги байрами арафасида Совет космонавтикаси лғи ажойиб муваффақиятга эришди: 1972 йил 22 июлда «Венера-8» планеталаро автомат станцияси ўзининг тўрт ойлик парвозини тугаллаб, Венера планетасидан ноёб илмий маълумотлар юборди.

«Венера-8» станциясининг туширилувчи аппаратида Совет давлатининг асосчиси — Владимир Ильич Лениннинг чехраси ва Совет Иттифодининг давлат герби тасвирланган вимпеллар ўрнатилган эди.

Венерани тадриқ қилиш тарихида биринчи марта «Венера-8» станциясининг атмосферага кириши ва туширилувчи аппаратини қўйиш планетанинг кўёи ёрилиб турган томонидан амалга оширилди. Венера атмосфасида парашют ёрдамида пасайиб бир соат чамаси давом этди. Станциянинг туширилувчи аппарати охира қўйирилгандан кейин 50 минут давомида Венера юзасида ишлаб, Ёрга илмий ахборот юбориб турди.

Тушириш жараёнида ва Венера юзасида ишлаб турган пайтда атмосфранинг ҳоссалари тўғрисида, планетанинг ёрилиш ҳаракатини, Венеранинг муваффақиятли равишда амалга оширилмоқда. «Венера-8» станциясининг парвози фанга қўйилган муҳим ҳисобиди. Табиати ўрнида қўйилган янги қатта қадамдир.

«Венера-8» автомат станциясининг лойиҳаси Венера планетаси тўғрисидаги мавжуд илмий маълумотларни, ҳамда «Венера-8» станцияларини пратиш ва учуриш чоғида ортиртган тажрибани ҳисобга олиб тузилди.

(Давоми 3-бетда)

ЭНГ ЯХШИ ЭКИПАЖЛАРГА— ҚИЗИЛ ВИМПЕЛ

Область партия комитети ва область ижроия комитети ҳўжаликларда гузани дефолиация қилишда қатнашаётган қишлоқ ҳўжалиги авиациясининг самолёт экипажлари ўтрасидаги социалистик мусобақа якунларини қараб чиқиб, қарор қилдилар.


Қўйма Қизил вимпел Бўёна районига ўзига бйикитилган ҳўжаликларда дефолиация графинини бажарган самолёт экипажига (командири ўртоқ А. Ф. Толчев) берилди. Бу экипаж бир кунда 340 гектар майдондаги гузани дефолиация қилиб, 5 сентябрдан 10 сентябргача 1700 гектар майдондаги гузани юқори сифат билан қайта ишлаган ва энг юқори натижага эришган.

Шунингдек, қарорда Бекобод районига ишлайётган самолёт экипажига (командири ўртоқ А. В. Теников) ҳамда Пискент районига ишлайётган самолёт экипажига (командири ўртоқ М. Н. Герасимов) яхши ишлайётганликлари қайд қилинди.

ЛУБ ПЛАНИ БАЖАРИЛДИ

Янгийўл район лубкорлари катта муваффақиятнинг қўлга киритдилар. Улар давлатга луб топириш йиллик планини ошириб адо этишди. Райондаги Фрунзе номи, Кари Маркс номи, Ленин номи ва «Қизил Октябрь» колхозлари биринчилар қаторида зиммаларидаги мажбуриятларини бажариб, катта хирмонга муносиб ҳисса қўшди.

Ўзаро социалистик мусобақани кучайтираётган деҳқонлар мажбурият ҳисобига луб топиришни давом эттирмоқдалар.



Пахта қабул қилиш пунктлари далада етиштирилган дастлабки «оқ олтин»ни қабул қилиб олмақда. Хошнотга Ўрта Чирчиқ районидagi Тўйтепа пахта тайёрлаш пункти ҳўжаликларида бир печа юз тонна пахта қабул қилди. Суратда: пунктдаги дастлабки хирмон. Г. ПУН фотоси, ЎзТАГ.

ДЕКАДА ҚОЗОҒИСТОН БЎЙЛАВ ОДИМЛАМОҚДА

Ўзбек адабиёти ва санъати декадасининг қатнашчилари гурупа-группаларга бўлиниб, Қозоғистоннинг жануби ва ғарби, шарқи ва шимолига йўл олдилар. Ҳамма ерда уларни гоёт самимий ва шодона кутиб олмақдалар.

Меҳмонлар Павлодарда трактор заводида бўдилар. Трактор заводи коллективи Тошкент трактороззлари билан муштаҳам дўстлик алоқаси боғлаб турибди. Ўзбекистон маданият арбоблари ишчилар билан суҳбатлашдилар. уларга концерт қўйиб бердилар.

Область тасвирий санъат музейида Ўзбек рассомлари асарларининг виставкаси очилди. Кеҳчурун павлодарликлар Ўз санъатлари билан уларни ҳўшуд этган Ўзбекистон артистларини табриқлаб қарсақ чалдилар.


Петропавловск аҳолиси Ўзбекистон артистлари, ёзувчилари, соҳнадаларини нон ва туз, гулдасталар билан кутиб олдилар. Меҳмонлар шаҳар корхоналарида, янги драма театрининг тизоқар сувини мароқ билан томоша қилдилар.

Область филармониясида декадага бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Ўзбекистон маданият арбобларини ишчилар қўйишди.

Тон маданият арбобларини ишчилар қўйишди. Меҳнатчилари, айниқса ёшлири ўртасида «Ялла» вокал-музика ансамблининг концертлари катта муваффақият қозонмоқда.

Толди-Қўрғонда «Лағзир» рақс ансамбли қоравдорлар, геллакорлар, механизаторлар ҳўзурида концерт бермоқда.

(ЎзТАГ махсус мухбирлари).



Венера юзасига қўйирилган «Венера-8» станциясининг туширилувчи аппарати. 1. Атмосфера ҳарорати ва босим датчиклари. 2. Ёрилиш ўлчам датчиги. 3. Асосий антенна. 4. Ташқарига чиқариладиган антенна (оттагунга қарар). 5. Парашют (оттагундан сўнг). 6. Ташқарига чиқариладиган антенна (оттагундан сўнг).



КИЧИК ПОСЁЛКА ДАН ИНДУСТРИАЛ ШАҲАРГА

СОЦИАЛИСТИК ЧИРЧИҚ



Чирчиқ трансформатор заводининг контролери Лидия Петрунь ва йиғувчи-слесарь Журабек Рустамовлар электр машиналарини жу патишга тайёрлашяпти.

Ч ИРЧИҚ Совет ҳокимияти йилларида серқуёш республикада барпо этилган юлдуз шаҳарлар туркумининг тўғриги ҳисобланади.

1934 йилнинг 1май куни унинг бойдорлари биринчи ғишт қўйилди, шу муносабат билан кўпнинг кишилик тантали миятин бўлиб, унда Ўзбекистоннинг оқоқоли Илҳом Охунбоев шаҳарликларнинг гулдўрос олақилари, қарий-сурнайлар сароси остида шаҳарнинг биринчи ғиштини қўйди. Шу танта арафасида Ўзбекистон ССР Марказий Иқтисодиёт Комитети қарори билан Чирчиқда поёққа Совети тузилди. Орадан бир йил ўтгач, у шаҳар Советига айлантирилди.

Социалистик шаҳар олам юзини кўрганидан бери бор-йўғи қирқ йилча вақт ўтди. Бу кўнра тарих учун унчалик катта муддат эмас, аммо ана шу йилларнинг ҳар бири Чирчиқнинг оёққа турлини бари учун тараққиёт этиши, бугунги гузад қиёфасининг шаклланишида ўчмас из қолдирди, шаҳарнинг қисқа, аммо маъмули тарихида, зарҳад ҳарфлар билан қайд қилинди.

Чирчиқнинг тарихи — мамлакатимизнинг пахта мустиқлигини учун кураш тарихи. Ўзбекистоннинг электрлаштириши, Ўрта Осиёда тенги йўқ химия индустриясини барпо этиш тарихидир. Шаҳарнинг қўли тул, ақли расо, ҳиммати баланд қизларлари, энжиретчилари, металлурги ва машинасозлари, транспортчи ва бинокорлари ўз меҳнатлари билан муқимлар яратилляпти. Шаҳар ўзининг йирик замонавий корхоналари билангина машхур бўлиб қолмай, ажойиб кишилари — коммунист курувчилари, ўзининг меҳнат анъаналари билан ҳам машхурдир.

УМУМХАЛҚ ҚУРИЛИШИ

ШАҲАР ва кимё комбинати қурилиши Чирчиқ дарёси соҳилларида бошлаб юборилганлигини изохлаш учун тарихта мувожаат қилишга тўғри келади.

Россиянинг илгор фикрли олимлари бу ердаги қудратли тоғ дарёсининг гидроэнергетик ресурсларини ўрганиш ва улардан фойдаланиш проблемаси, ҳақида кўп йиллар давомида иш олиб боришди. Улар ўша вақтдаги Чирчиқ дарёси Туркистон ўлкаси энергетикасининг тараққиёти учун яхши база бўлиб хизмат қилиши мумкинлигини кўрсатишган эди. Аммо чоризм ўлкаларини қолоқли, даҳшат, қоронғуликда сақлаш сийсатига амал қилиб, илгор олимларнинг бу муҳим фикрларига нуқул солмади, уни амалга оширишни ҳаёлига ҳам келтирмади.

Фақатгина Советлар мамлакатига, халқнинг ижоди ва таланти бари уриб ривожланиш учун кенг имкониятлар пайдо бўлгандан халқларнинг муваддас дўстлиги, ҳамкорлиги ва қардошлиги вужудга келгандан кейингина табиятнинг қудратли кучини инсон замиғига бўйсундириб, Чирчиқ дарёсининг энергетика ресурсларини халқ хизматига қўйиш мумкин бўлди. Шўҳ дарёнинг бир миллион 800 минг киловаттлик ресурси техника тараққиётига, социалистик экономикани ривожлантиришга ёрдам бера бошлади.

СССР ташкид тоғанидан сўнг орадан бир йилча ҳам вақт ўтмай Совет ҳукумати Чирчиқ дарёсига гидротехника кузатишлар олиб бориш ва ресурсларини илмий тадқиқ қилиш учун қидирув экспедициясини юборди. Бу экспедицияга мамлакатимизнинг машхур энжиретчиларидан бири, ГОЭЛРО комиссияси аъзоси, Днепр ва Волхов гидроэлектростанциялари лоийҳаларининг автор академик И. П. Александров раҳбарлик қилди.

Ленинча ГОЭЛРО планига мувофиқ, Чирчиқ дарёсига биринча нуҳоналар қурилиши бошланди. Чирчиқчилар Илчи чироғи республикада биринчи бўлиб Чирчиқ соҳилларида порлаганини билан чекен қувонадилар. Ҳозирги кунда бу шўҳ дарё қудратли тизмалар ташкил этган 16 та гидроэлектростанция турбиналарини ҳаракатга келтириб, республикада нур бойлигига бойлик қўшмоқда.

Улғур Октябрь революциясидан кейинги йилларда мамлакатимиза тўқимачилик саноатининг асосий қоманбеси — пахтага катта аҳтиж сеза бошланди. Бунинг учун четдан пахта харид қилишни қўпайтириш ёни ички имкониятлардан тўла фойдаланиш керак эди. Ўша вақтда иккинчи йўл тутилди, мамлакатнинг пахта мустиқлигини эришиш учун умумхалқ кураши бошланди. «Оқ олтин»

етиштиришни қўпайтириш учун эса қўллаб қимбей ўғит зарур. Бу иш пахта учун қурашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлиги ҳисобга олиниб, минерал ўғитлар ишлаб чиқарувчи йирик база яратилга киришилди.

ВКП(б) Марказий Комитети 1930 йилда Бутуниттфоқ халқ хўжалиги кеңашига Ўрта Осиёда сунъий ўғит заводи қуриш учун жой таллаш вазифасини юклди. Ўзбекистоннинг кенг жамоатчилиги химия заводини Чирчиқ дарёси гидротехника ресурслари асосида қурилиши бир овоздан ёқлаб чиқди. 1932 йилнинг апрелида Меҳнат ва Муҳофиза Кеңашининг Чирчиқ электр химия комбинати қуриш ҳақида 456-сонли тарихий қарори чиқди. Унда Чирчиқ дарёсига 280 минг киловаттлик нуҳона қуриш ва энергетика базаси асосида азот заводи барпо этиш назарда тутилди.

Шундан сўнг Чирчиқ дарёси соҳилларида ўша вақтда тенги йўқ кенг кўламдаги бунёдкорлик ишлари бошлаб юборилди. Қурувчилар жуда мураккаб, оғир шароитларда ишлашга мажбур бўлишди. Бинокорлик техникаси йўқ эди. Ҳамма иш қўла кучи билан бажариларди. Бунинг устига объектдаги қурилиш ишлари ҳажми биринчи бейилликларнинг бошқа қурилишларидагига қараганда анча кўп эди. Канад ва ГЭС биноклари қуришда 22 миллион куб метр, яъни Днепростройдагига қараганда беш баравар кўп ҳажмда тупроқ ишлари амалга оширилляпти, 1,5 миллион куб метр бетон ётқизил керак эди. Ўша вақтдаги бирор қурилишда шунчалик кўп бетон ётқизил назарда тутилмаганди.

Ўзбекистон меҳнатқашлари партия ва комсомол ташкилотларининг қаҳриқларига жаваб қурилишга отлана бошлашди. «Чирчиқстрой» шонли бинокорларининг биринчи отрядлари Ленин комсомолни юборган ёш йигит-қизлардан ташкил тоған эди. Улардан кейин мамлакатимиздаги барча қардош республикалардан келган ватанпарварлар бўйлаб қуриш, сағитга қўйишга бошланди. Украина алон тупроқ ишлари амалга оширилляпти, 1,5 ва Канад, Велоруссия ва Волгабўйи. Ўрта Осиё республикалари ва мамлакатнинг бошқа раёнларидаги ишчилар, инженер-техник ходимлар қўллаб келишди. Қурилиш Совет Иттифоқи халқларининг буюк дўстлиги ва қардошлиги рами бўлиб қолди.

Руслар, ўзбеклар, украинлар, қозонлар, тожиклар, мамлакатимиздаги кўпчилик миллат вакиллари елка-елка туриб, кўпин қўлга бериб Чирчиқнинг биринчи объектларини қуришлар. Вокзал, насалхона, он заводи, комбинат корпуси ва нуҳона бинокларини бунёд этишди. 1936 йилда тақриба заводи ва иссиқлик электр станциясини фойдаланишга топирилди. Шундан сўнг бошқа объектлар ҳам бири-кетини қўлдан чиқарилди. 1940 йилнинг августига гидротехника иншоотининг бош уюли ва канални ишга тушириш тантаилари бўлди. Шу йилнинг сентябрийда гидроректр станциясининг биринчи агрегати ток бера бошлади, октябр ойида эса Комсомол ГЭСининг иккинчи генератори ишга туширилди.

Улғур Октябрь Социалистик революциясини 23 йиллик тағалларига арафасида — 1940 йилнинг 6 ноябрийда Чирчиқ химикалари биринчи маҳсулотини ишлаб чиқардилар, Минерал ўғитлар ортилган дастабини вагонлар андиқонлик пахтакорларга юнатилди. Комбинат фақат совет лойиҳалари ва асбоб-ускуналари билан жиҳозланган биринчи азот саноати корхонаси бўлди. Ленинград, Москва, Киев, Ростов, Минск, Свердловск ва бошқа шаҳарларнинг 150 дан ортиқ заводи ишчи



Коммунист Қарим Раймов «Ўзбекхиммаш» заводининг пешқадам ишчиларидан. У шу кунларда келгуси йил ҳисобига маҳсулот бермоқда.

И. ГЛАУБЕРЗОН ва В. СИРОТКИН
фотолари.

хизматчилари корхона учун технология асбоб-ускуналар етказиб бердилар. Монтаж ишларини ҳам ўзлари амалга оширишди. Комбинатнинг ишга туширилиши ленинча миллий сийсатининг яна бир буюк ғалабаси бўлди. Коммунистлик партия ва Совет ҳукумати қурувчилар ва монтажчилар меҳнатини юксак тақдирляшди. 1150 бинокор ҳукумат мукофотларини олди.

ЙИРИК САНОАТ, МАДАНИЯТ МАРКАЗИ

Б УГУНГИ Чирчиқ республикаимизнинг энг ривожланган индустриал ва маданият марказларидан бири ҳисобланади.



Чирчиқ электрхимия комбинати илгор сменаларининг бошқилари Муқодир Ўстаиов ва Ҳалима Тулағановалар навбатда қилинадиган ишлар режасини тузишяпти.

Замонавий осмонлар саноат корхоналари, сон-саноксиз ҳаёлатли маданият-машини муассасалари, қўрама, хўшбоним уй-жой мас-сивлари ва қаватларли, ян-йилли тўн киёган жозибалор ҳисобларини боғу роғлари, хўш табиятга кишига ором бахш этувчи мусавво ҳавоси, шўҳ дарёсига равои йўллари шу қадар латофатлики, таърифини келтиришга тил очилма қилади, сўз топилайди. Ҳа, ҳозирга социалистик шаҳар тилларда дoston бўлгудек соҳибамоқ.

Шаҳар саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш жиҳатидан республикаимизда етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турипти. Унинг бағрида фаи-техниканинг энг сунги ютуқлари асосида ускуналанган замонавий ўнлаб саноат корхоналари бор. Уларнинг айримлари республикаимиз фахри, халқининг гўрури ҳисобланади. Ленин орденли ва Меҳнат Қизил Байроқ орденли Чирчиқ давлат электрхимия, Меҳнат-Қизил Байроқ орденли Ўзбекистон паттиғи қотишмалар ва ўтга чидамли металл комбинатлари, Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Чирчиқсельмаш», «Ўзбекхиммаш», трансформатор заводлари шулар жумласидандир.

Бу корхоналарни қанчалик кўз-кўз қиласан ҳам арийди. Уларнинг коллективлари ҳозирги замон техника тараққиётига, мамлакатимиз экономикасини юксалтиришга салмоқли ҳисса қўшмоқдалар. десак муболағат қилмаган бўламиз.

Биргина электрхимия комбинатининг ўзи бутун бир олам. Уни «мўл ҳосил фабрикаси» деб бекиш айтишмаган пахтакорларимиз. Чунки, шу корхона маҳсулотини бўлган минерал ўғитлар мамлакат пахтачилигини ривожлантиришга самарали ёрдам беришда. Ҳар йили колхоз ва совхозларга етказиб берилаётган юзларча минг тонна ер ҳамкуртуруш деҳқонлар меҳнатига, баранча қиритиб, «оқ олтин» ҳосилдорлигини оширишда ҳал қилувчи роль ўйнамоқда. «Чирчиқсельмаш» заводи коллектив қўлидан чиқаётган турли-туман машиналар ҳам пахтачилигини юксалтириш ишига ҳисса қўйляпти.

Ўзбекистон қаттиқ қотишмалар ва ўтга чидамли металл комбинати ишчи-хизматчиларини «қилин қирқа ёрувчи муқимкорлар» деб жуда тўғри айтишган. Чунки, улар тайёрлаётган молибден ва вольфрам симларининг диаметри инсон оқ толасидан бир неча баравар илгичкадир. Мамлакатимизда ишлаётган ёни қуриляётган бирор химия саноати корхонаси йўқки, унда Ўзбекистон химия машинасозлиги заводи маҳсулотидан фойдаланилмаётган бўлсин. Трансформатор заводи коллектив энергетикамиз учун тобора кўпроқ ва муҳаммалроқ электр машиналари етказиб беришда.

Сунги ўш йил ичида шаҳарда саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш ҳажми икки баравардан ошди орди. Тўққизинчи беш йилликнинг ўтган бир яри йили ичида ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиши фақат меҳнат унумдорлигини ошириш эвазига бўлди.

Шаҳардаги барча 22 саноат корхонаси коллективининг ҳар бири шарафли ва байрли ваифа бажарляпти. Улар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар СССРнинг барча республикалари, ўлка ва областларидан яхши мингдан ортиқ корхоналарга етказиб беришмоқда. Чирчиқ корхоналари маркази босилган асбоб-ускуналар, машина-механизмлар ва бошқа маҳсулотлар жаҳон бозорига ҳам тобора муостакам ўри олмоқда. Ҳозир шаҳарлик саноатчи 38 га яқин чет эл мамлакатлари бюртмасыни бажармоқдалар.

Чирчиқда бешта илмий-тадқиқот институти ва конструкторлик муассасалари, олтига автомобиль ва темир йўл транспорти корхоналари, йирик қурилиш трести, ўтга ёрдамчи лудратчи ташкилотлар ишлаб турипти. Улар ҳам халқ хўжалигини ривожлантириш билан боғлиқ бўлган турли масалаларини ҳал қилиш билан шуғулланмоқдалар.

Шаҳар аҳолисининг турмуш шароитларини яхшилаш, унга савдо, маданият-машини хизмат кўрсатини тақомиллаштириш, медицина, халқ маорифи тармоқларини кенгайтириш, физкультура ва спортни ривожлантириш юзасидан ҳар йили жуда кўп тадбирлар қуришмоқда.

Сўнгги 30 йил мобайнида шаҳарнинг уй-жой фонди 13 баравардан зиёдлаш орди ва у ҳозир 875 минг квадрат метри ташкил этмоқда. Фақатгина саккизинчи бейилликда салкам 190 минг квадрат метр сатхли уйлар меҳнатқашлар иштироғида берилди. Уларга 7,5 минг оила қўйиб ўтди. Ҳар бир чирчиқлик ҳисобига тўғри келадиган уй-жой майдон 1972 йилнинг 1 январига келиб 7,6 квадрат метрга етди.

Ҳозир калжик чирчиқликлар 52 та мактабга етган бўлалар муассасаларида тарбияланиляпти. 24 та умумий таълим мактабларида 25 мингга яқин ўғил-қиз ўқияпти. Етти та ишчи-ёшлар мактабларида эса ишлаш билан бирга ментлаб ишчилар таҳсил қўрмоқда. Иккита бошлар музика мактаби талабалари сафига бошлаб чирчиқлик ўғил-қизлар бор. Тошкент политехника институтининг некичи филиали, индустрия техникуми, медицина билим юрти ишлаб турипти. Утга ҳунар-техника билим юртида қўлаб ёшлар тоқарлик, слесарлик, фрезерчилик, қутовчилик, қозончилик

ва бошқа шу каби касбларини ўрганмоқда. Шаҳар аҳолисининг ҳар иккидан бири ўқининг у ёни бу формасига жалб қилинган.

Ўтга яқин клуб муассасалари, йу жумладан кимёгарлар, металлургия, машинасозлар маданият даргоҳлари доим кишилар хизматида. 1,2 миллион том қитобли 70 га яқин кутубхонанинг минглаб қитобхонлари бор. 18 та кишин ва ёзи киногоетлар, истироҳат ва маданият боғлари ҳамда қатор маданият муассасалар шаҳарликлар ихтиерига бериб қўйилган.

Шаҳар аҳолисининг саломатлигини муҳофиза қилиш, уларга тиббий хизмат кўрсатишни яхшилаш учун ҳар йили қўллаб давлат маблағи сарфланипти. Фақатгина ўтган бейилликда давлат ва кооператив ташкилотлари маблағи ҳисобига 330 ўринли касалхона ва поликлиникалар қурилди. 1970 йилнинг охирига келиб шаҳарда 10 га яқин касалхона бўлиб, улардаги ўринлар 1165 тага етган эди. 6 та аёллар, бошлар консултациялари ва поликлиникалари ишлаб турибди. Ўрадан сон 250 кишидан ошиб кетди. Ўтга маъдумотли медицина ходимлари сафида мингга яқин киши бор.

1939 йилда шаҳардаги уларнинг фақатгина 10 процентига яқин водопровод ва канализация тармоқлари узатилди. 7 процент марказдан иситилган, 30 процент электрлаштирилган эди. 1971 йилнинг бошларига келиб уй-жой фондининг ҳаммаси Илчи нуридан баҳраманд бўлишмоқда, мавжуд уйларнинг 75 процентдан кўпроги марказдан иситилган, бўлди, 99,7 процент газлаштирилди, 78,2 процент водопровод ва канализация тармоқларига эга эди.

1939 йилда ҳозирги Чирчиқ шаҳри территориясига иситиловчи қилувчи меҳнатқашлар сонига фақат 14 минг 700 кишини ташкил этган бўлса, ҳозир 115 минг аҳоли ашамоқда, шаҳар территорияси 30 квадрат километрга кенгайди.

ИСТИҚБОЛ УҒҚЛАРИ

Тўққизинчи беш йиллик шаҳарнинг қисқа, аммо маъмули тарихида яна бир катта юксалиш даври бўлди, яъни истиқбол уфқлари очилди.

Чирчиқ экономикаси ва маданиятини юксалтириш юзасидан белгиланган режалар ҳақиқатан ҳам қувончли ва узаидир. Уларни амалга ошириш шаҳар хўжалигини, аҳолининг моддий-маданият турмушини янада оширишга, шаҳарнинг йирик саноат маркази сифатидаги республикаимиз экономикасидаги мавқеини янада муостақамлашга олиб келади.

Ҳозирги вақтда Чирчиқни социал ривожлантириш планига ишлаб чиқилмоқда. Шаҳарни социал ривожлантиришнинг бу қоманбеси планига давлат тўққизинчи бейилликда чирчиқликлар зиммасига юклган вазифаларни янада тўққизинчи бейилликда қилишда, социаль ва иқтисодий масалаларини ҳал қилишда шаҳарнинг ҳар томонлама гармоник намои топиши ҳисобга олади.

Планининг асосий мақсади ҳар бир меҳнатқашнинг ҳар томонлама гармоник камол топишини таъминлаш, Чирчиқни юксак меҳнат унумдорлиги, намунали жамоат тартиби ва маданияти шаҳрига айлантиришдир.

Бейилликда мобайнида илмий-техника тараққиётини жадаллаштириш ва шаҳарни иқтисодий ривожлантириш юзасидан қўйиш қилинади. Саноат маҳсулотини реализация қилиш ҳажми 40 процент ошади. Бунга асосан меҳнат унумдорлигини ошириш эвазига эришиш назарда тутилган. Шунинг учун ҳам ҳар бир илловчи ҳисобига унумдорлигини кам билан 42 процент ошириш мўлжалланади. Олиналашган фойда миқдори бир ярим баравар қўпаяди.

1971-1975 йилларда янги хил буюмлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Уларнинг сонини ўзигага яқинлашиб қолди. Турбокомпрессорлар, иссиқлик алмаштиригилар, аёлларнинг уй пойфазалари, вольфрам, молибден қукуни ва ҳаммаси бўлиб, 24 та буюм «Сифат белгиси» аттестациясига топирилди.

Бейилликда капитал қурилиш ҳажми янада кенгайтирилди. Жуда кўп янги саноат объектлари, маданият-машини муассасалар, уй-жойлар барпо қилинади. Электр кимё, ўзбекистон қаттиқ қотишмалар ва ўтга чидамли металл комбинатлари қувватларини ошириш ишлари давом этади. «Ўзбекхиммаш», «Чирчиқсельмаш», трансформатор заводларида янги деҳлар ишга туширилди. Кенг истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи янги қувватлар қад қуради.

Бундан ташқари, янги-янги маданият ўчоқлари аҳолига хизмат кўрса бошлайди. Корхоналар ўтга яқин дам олш уйлари, пансионатлар, профилакторийлар, туристик базалар очилди. Уй-жой қурилишида уларча миллион сўмлаб навалта маблағ ўзлаштирилди. Беш йил мобайнида ҳаммаси бўлиб давлат маблағи ҳисобига 200 минг 720 квадрат метр

сатхли уйлар қурилади. Улар саккиз мингга яқин чирчиқликлар оилаларини ўз бағрига олади. Аҳолига турли-туман хизмат кўрсатувчи муассасалар — магазинлар, маиший хизмат тармоқлари, умумий овқатланни корхоналари сон 364 тага етказилди. 4 та янги маиший хизмат уйлари, шунча йирик магазин ишга тушди. Автобус-таксилар сон 34,6 процент ортади. 12 километр узунликдаги биринчи троллейбус линияси қурилади.

Соғлиқни сақлаш, халқ маорифи, физкультура ва спортни ривожлантиришга қаратилган қатор тадбирлар амалга оширилди. Бейиллик давомида ҳаммаси бўлиб салкам етти минг ўқувчиға мўлжалланган мактаблар, 2240 ўринли бошлар боғчалари, яслилари фойдаланишга топирилди. Иккита ҳунар-техника билим юрти саноат корхоналари учун мамакали ишчилар тайёрлаш бошланди.

Шаҳарда қатор янги тиббий муассасалар — касалхоналар, поликлиникалар, аптеклар аҳоли саломатлигини муҳофиза қилиш билан шуғуллана бошлайди. Физкультура ва спортни ривожлантиришга ҳар қачондан ҳам кўпроқ маблағ сарфлаш назарда тутилган. Физкультурачилар сафида 21 минг киши бўлади. Сунги йилда янги стадион, бешта спорт зали, чўмилни ҳавзаси, қирқа яқин баскетбол, волейбол, енгил атлетика ва теннис майдончалари, утга соғломлаштириш спорт лагерлари барпо этилади. Ҳаваскорлик тўрачалари сон 134 тага етказилди. Қисқа қилиб айтганда, шаҳар экономикаси, маданиятининг барча тармоқлари янги-янги марраларни эгалляпти.

ЮБИЛЕЙ ВАХТАСИДА

Қ увончи истиқбол уфқлари чирчиқлик меҳнатқашларнинг гайрат-шиқоатини янада мавж урдирмоқда. Барча саноат корхоналари, транспорт ташкилотлари, муассасалари коллективлари КПСС XXIV съезди белгиланган оламшумул-тарихий вазифаларини амалга оширишга муносиб ҳисса қўшиб, шаҳар экономикаси, маданиятини ривожлантириш бўйича ҳамма режаларни бекам-қўст рўбига чиқариш мақсади билан ишмоқдалар ва меҳнат қилмоқдалар.

Шаҳар меҳнатқашлари тўққизинчи беш йиллик планини мўддатидан илгари бажариш юзасидан бошланган умумхалқ ватанпарварлик ҳаракатида, фаол қатнашмоқдалар. Улар ўз имкониятларини ҳисоблаб қилиб, зиммаларига юксак социалистик мажбуриятлар олиб ишляшляпти. Янги беш йиллик топирилягани мўддатидан илгари бажариш юзасидан белгиланган марраларга идоқи борица барвақроқ эришиш ниятида социалистик мусобақа ва унинг олий формаси бўлган коммунист меҳнат тантанаси учун курашни тобора авж олдиришмоқдалар.

КПСС Марказий Комитетининг «Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигининг 50 йиллигига тайёргарлик тўғрисидаги қароридан улар беишқол руҳланиб, 1972 йилда маҳсулот реализация қилиш ва кўпчилик муҳим буюмлар турларини ишлаб чиқариш бўйича планни 26 декабр гава бажариш, қўшмица кам билан беш миллион сўмлик маҳсулот реализация қилиш ҳақидаги ваъдаларининг утдасидан чиқмоқдалар.

Шаҳар саноатчилари шу йилнинг ўтган етти оин давомида анча самарали ишлядилар, шунинг учун ҳам дуруст ютуқлар қўлга киритилди. Маҳсулот реализация топириши 101,4 процент қилиб адо этилди. Планидаги тақдирлар ташқари бажарилган маҳсулот миқдори 2,7 миллион сўмликни ташкил қилди. Қўшмица тўрт миллион киловатт-соғатдан ортироқ электр қуввати, 90 минг сўмлик қиллоқ хўжалик машиналари, 200 га яқин қуввататор, беш минг тонна атрофида минерал ўғитлар, йиллик мажбуриятини 100 минг сўмлик ўринга 150 минг сўмлик хамма асбоб-ускуналарни, 15 минг жувф атрофида чарни пойфазал ва бошқа қатор саноат маҳсулотлари ҳамда кенг истеъмол товарлари тайёрланди.

Ишлаб чиқаришнинг бошқа техника-иқтисодий кўрсаткичлари ҳам анча яхшиланди. Саноат маҳсулотини тайёрлаш ҳажми 5,8 процент қўпайди. Меҳнат унумдорлигини белгиланганга ҳисобатан 1,4 процент орди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига қараганда 6,3 процент қўпидир. Шуниси диққатга сазоворки, саноат маҳсулотини ҳажминини қўпайишига фақат меҳнат унумдорлигини ошириш эвазига эришилди.

Тезнамюрлик учун кураш шаҳардаги барча катта-кичик коллектив фаолиятининг асоси бўлиб қолмоқда. Ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчилар материаллар, хом ашёлар ва энергияни тежаб-тежаб сарфлашга илтибоб, ҳар бир хўжалик ичидан резерв ва имкониятлардан фойдаланишга, иқтисодий режими кучайтиришга алоҳида эътибор бериляпти. Шу тўғрйли ҳам йилнинг биринчи ярмида қўшмица 600 минг сўмлик жамғарма олдиди.

Юбилей шарафига давом этаётган социалистик мусобақада Ўзбекистон қаттиқ қотишмалар ва ўтга чидамли металллар, Давлат электрхимия комбинатлари, «Чирчиқсельмаш», асфальт-бетон заводлари, пойфазал, «Гучча» тикуччилик фабрикалари ва бошқа корхоналар коллективлари дуруст натижаларга эришмоқдалар. Айниқса, Ўзбекистон химия машинасозлиги заводи ишчиларининг меҳнат фаолияти теғдирига сазовордир. Йиллик социалистик мажбуриятини ҳозирнинг ўзидек бир ярим баравар ортиб билан бажариб қўйган машинасозлар турдош корхоналар коллективларининг Бутуниттфоқ социалистик мусобақасида қатнашиб, СССР Министрлар Совети ва ВЦПСнинг қўшмица Қизил байроқлари ҳамда пул мукофотларини олдиди.

Ҳа, чирчиқлик кимёгарлар ва металлургия, энжиретиклар ва машинасозлар, пойфазалчилар ва тикучилар, қисқаса барча касб эгаси бўлган меҳнатчилар СССРнинг олтин тўйи нишонланганидан йилда эфр матонат, ирода, гайрат-шиқоат билан ишламоқдалар, меҳнатда зафарларга эришиб, бу билан коммунист қурилишга ози-қўйи муносиб ҳисса қўйишга астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Олижаноб мақсад йўлидаги бу курашларда уларга фақат муваффақиятлар, ер бўлишга тилақдошимиз.

М. МИРҲАМИДОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус муҳбири.

ОНА-ВАТАН БҰЙЛАБ

нишанга илмий натижалар бизнинг Венера тўғрисидаги билимларимизга қўшилган қимматли ҳисса, унинг табиати тўғрисидаги таъсирларнинг тўхтовсиз кенгайтирилиши йўлидаги муҳим қадам бўлди.

СССР ташкил этилганининг 50 йиллиги арафасида космосда қўлга киритилган янги катта муваффақият—совет олимлари, инженерлари, техниклари ва ишчиларининг аниқ гулуз аёймак мусониб совғаси бўлди. (ТАСС).

